# Пудрат шартномаси

**13 «10»2022 йил** **Пискент тумани**
**3-10-142-SRB/2022 сон**

**Пискент тумани “Спорт мактаби”**асосида харакат қилувчи директор **Б.Рашидов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган " **BUXORO MEGA STROY LYUKS " МЧЖ** қурилиш ва таъмирлаш корхонаси номидан Низом асосида харакат **Спорт мактаби"** (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом қилувчи директор **М.Мирзаев** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. Таърифлар

**1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:**

**«ижро ҳужжатлари»:** — натура шаклида бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини, ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномалар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**«қурилиш майдони»:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**«вақтинчалик ишлар»:** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар хил типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**«беркитилган ишлар»:** — сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома объектини умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома предмети.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Тошкент вилояти Пискент тумани **Лола-Арик МФЙ худудида жойлашган марказий футбол ойингохида мини стадион (42*22), Баскетбол, волейбол майдонини резина билан коплаш тенис корд қуриш, замонавий воркаунт қуриш”** ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини

бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома баҳоси.

3.1 Мазур шартнома танлов комиссиясининг 2022 йил 5 октябрдаги 152908-сонли лот бўйича электрон баённома билан "BUXORO MEGA STROY LYUKS" МЧЖ бириктирилиб, мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати ҚҚС билан **617 500 000 (олти юз ўн етти миллион беш юз минг) сўм**ни ташкил этади.

3.2 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

4.1 Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот (объект) нархидаги ишларни энг камида 30% ни ўзининг кучлари билан бажариш.

4.2 Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ бажарилган ишларни далолатномалар асосида топшириш;

4.3 Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

4.4 Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

4.5 Буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шарт-номалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

4.6 Қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

4.7 Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, қурилиш буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

4.8 Қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

4.9 Қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техника-хафсизлиги қоидалари ва карантин қоидалари билан таништириш, таъминлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.9.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан (*қурилиш ишларининг 50% дан кўп бўлмаган*) бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавобгар хисобланади.

4.9.2 Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки қурилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга киришади.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари.

5.1 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома асосида Пудратчига топшириш;

5.2 Қурилиш ишлари бажарилиши устидан доимий техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа вазифаларга риоя этилишини назорат қилиш;

5.3 Пудратчидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

5.4 Молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига мазкур шартномага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5.6. Пудратчига шартномада келишилган тўловларни объектни молиялаштирилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) руйхатдан ўтгандан кейин амалга оширади.

## VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1 Шартнома миллий валюта (сўм)да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб, бироқ кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўм)да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

6.2 Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ, Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки қурилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб объектда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга киришади.

6.3. Электрон танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти қурилиш ишлари бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) рўйхатдан ўтгандан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % микдорида аванс ўтказади, бу жами **185 250 000 (бир юз саксон беш миллион икки юз эллик минг)** сўмни ташкил этади.

7.2. Колган 70 % микдорини эса Пудратчи томонидан счет фактура такдим килингандан сўнг тўлаб берилади.

7.3 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - Техник аудиторини тайинлайди, техник аудитор Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар

сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи Техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда иштирок этади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектда қурилиш ишларни олиб бориш тартиби ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар хисобланади.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни, техника хавфсизлигини таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни топширади.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини топшириш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавобгар хисобланади. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатоликлар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

8.9.1. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома асосида Буюртмачига беради.

## IX. Ишларни қўриқлаш.

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкни зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Битказилган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

**X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.**

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бир томонлама бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

**XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тартиби.**

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

**XII. Кафолатлар.**

**Пудратчи:**

12.1 Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

12.2 Лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

12.3 Пудратчи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида

кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

12.4 Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

12.5 Объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.6. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати жорий йилнинг декабр ой этиб белгиланади.

12.7. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

## XIII. Шартномани бекор қилиш.

**Буюртмачи:**

13.1 Мазкур шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

13.2 Ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолларда;

13.3 Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

13.4 Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**Пудратчи:**

13.5 Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

13.6 Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга 3 кун олдиндан ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома тарафларнинг бирортасини айби билан бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.**

14.1. Томонлардан бири шартномада кўрсатиб ўтилган мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.4 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни тарафларни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган ишлар суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартномада белгиланган жами муддатнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг
50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жавобгарлик чораларидан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни ҳам қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув асосида ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар.

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

16.8. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, бироқ, ушбу объектнинг молиялаштирилиши бўйича Буюртмачининг мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) руйхатдан ўтгандан кейин кучга киради.

16.9. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## XVII. Коррупцияга қарши талаблар.

17.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

17.2. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

17.3. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таьминлайди яъни улар, уларнинг ходимлари, каффилланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги

ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

17.4. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши белгиланган мажбуриятларни бузганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди. Коррупцияга қарши курашиш қоидалари бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

17.5. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб беришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

17.6. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида “Буюртмачи” (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари ва бошқа вакиллари), “Иш бажарувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

**Буюртмачи:**

**Пискент тумани “Спорт мактаби”**

**Пискент тумани А.Темур 138 уй**

Тошкент ш. Марказий банк ХККМ
Р/с: 23402000300100001010
ИНН 201122919
МФО 00014
Х/р: 401722860272507083610135001
ИНН 203275988
Тел +998 99 001 71 61

**Директор ____________ Б.Рашидов**

**Пудрат ташкилот:**

**“Buxoro mega stroy lyuks” МЧЖ**

Бухоро ш Пиридастгир 11 Г кв 22
Р/с: 20208000000874108001
АТИБ Ипотека банк Бухоро вил филиали
МФО 00088 ИНН 305 509 112
Тел. +998 33 444 50 50

**Директор ____________ М.Мирзаев**

Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

| | |
|---|---|
| Imzolovchi F.I.SH. | BOXODIR RASHIDOV ABDURASULOVICH |
| Imzolangan sana | 13.10.2022 10:42 |
| Hujjat kodi | **LM7847865745** |

| | | |
|---|---|---|
| | Hulosa kodi | **RO8853003432** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

RO8853003432

**1.** Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: Piskent tumani Sport maktabi va " BUXORO MEGA STROY LYUKS " MCHJ o‘rtasida “Lola-Ariq MFY xududida joylashgan Piskent tuman markaziy o‘yingoxida mini stadion 42*22 o‘lchamli stadion qurish, Basketbol, voleybol maydonini rezina qoplama bilan koplash, tenis kord qurish, zamonaviy vorkaunt qurish”ишларини бажариш yuzasidan tuzilgan pudrat shartnomasi.

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: "PISKENT TUMANI BOLALAR-O`SMIRLAR SPORT MAKTABI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 12.10.2022 yilda kiritilgan.

4. Loyihaga pudratchi tashkilotning davlat ro’yxatidan o’tganligi to’g’risidagi guvohnoma, kafolat xati, litsenziya va 152908-raqamli lot yuzasidan tanlov komissiyasining 05.10.2022 yildagi bayonnomasi ilova qilingan.

5. Loyihani rasmiylashtirishda, O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi 670-I-son Qonunining 10-moddasi talablariga rioya qilingan, yetkazib beriladigan mahsulot (ko‘rsatiladigan xizmat) miqdori, narxi, hisob-kitoblar, tomonlarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartiblari, korrupsiyaga qarshi shartlar qayd etilgan.

6. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi 631-655-moddalari talablariga muvofiq.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

***Piskent tuman yuridik markazi bosh yuristkonsulti:***

**R.S.SUROBOV**

12.10.2022

883623

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BUXORO MEGA STROY LYUKS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BUXORO MEGA STROY LYUKS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.04.2018 603419 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 305509112

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Buxoro viloyati, Buxoro shahri, PIRIDASTGIR KO'CHASI 11G-UY 22-XONA,

Guvohnoma: Buxoro viloyati, Buxoro shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА

# СВИДЕТЕЛЬСТВО О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

ҚҚС РЎЙХАТ РАҚАМИ
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС — 306010121853

Мазкур гувоҳнома ҚҚС солиқ тўловчиси сифатида ҳисобга қўйилганлиги ва ҚҚС шахсий рўйхатга олиш рақами берилганлигини тасдиқлайди

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

| | |
|---|---|
| Солиқ тўловчининг номи<br>Наименование налогоплательщика | ООО "BUXORO MEGA STROY LYUKS" |
| Солиқ тўловчининг идентификация рақами<br>Идентификационный номер налогоплательщика | 305509112 |
| Шахс ҚҚС солиқ тўловчиси бўлган сана<br>Дата с которой лицо становится плательщиком НДС | 01.09.2020 |
| Рўйхатдан ўтиш санаси<br>Дата регистрации | 24.08.2020 |

Маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 152908 на приобретение Лола-Ариқ МФЙ худудида жойлашган марказий фудбол ойингохида мини стадион (42*22), Баскетбол, волейбол майдонини резина билан бн коплаш тенис корд қуриш, замонавий воркаунт қуриш**

Способ проведения электронный

Дата 05.10.2022

Время рассмотрения 05.10.2022 21:51

Закупочная комиссия Болалар - ўсмирлар спорт мактаби, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RASHIDOV BOXODIR ABDURASULOVICH | Direktor | Bolalar-o'smirlar Sport maktabi |
| **Секретарь комиссии** | IMAMBERDIYEVA MUXAYYO | Hisobchi | Bolalar-o'smirlar sport maktab |
| **Член комиссии** | ISMATULLAYEVA NIGORA YUSUPOVNA | To'garaklar bo'yicha | Bolalar-o'smirlar sport maktab |
| **Член комиссии** | XAYDAROV FARXOD ERKINOVICH | Xo'jalik mudiri | Bolalar-o'smirlar sport maktab |
| **Член комиссии** | TO'YCHIYEV ABDUKARIM MIRXALILOVICH | Katta uslubchi | Bolalar-o'smirlar sport maktab |
| **Член комиссии** | BIKBULATOV SHOHZOD BEKMURAT UG'LI | Direktor o'rinbosari | Bolalar-o'smirlar sport maktab |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 05.10.2022 года № лота 152908.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга строительства футбольного поля** |
| Подробное описание | Lola ariq MFY da markaziy oyingox qurish |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 626 684 860.00 |
| Стартовая сумма | 626 684 860.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ob'ektni o'rganganligi to'g'risida ma'lumot, Ishlarni bajarish muddati, (kafolat xati) Oxirgi 3 yilda tuzilgan shartnoma buyicha majburiyatlarning bajarilishi (bajarilgan ishlar ilova kilinsin)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ob'ektni o'rganganligi to'g'risida ma'lumot, Ishlarni bajarish muddati, (kafolat xati) Oxirgi 3 yilda tuzilgan shartnoma buyicha majburiyatlarning bajarilishi (bajarilgan ishlar ilova kilinsin)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO UMID BETON** | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |
| **SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK** | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |
| **ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К** | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |
| **OOO BUXORO MEGA STROY LYUKS** | 25 | Ob'ektni o'rganganligi to'g'risida ma'lumot, Ishlarni bajarish muddati. (kafolat xati) Oxirgi 3 yilda tuzilgan shartnoma buyicha majburiyatlarning bajarilishi | 25 | Экспертная | | |

Критерий №2 Korxona hisob raqami kartatekada emasligi va hisob raqamidagi aylanma to'g'risida ma'lumotnoma (e'lon berilgan davr uchun). Insofsiz ijrochilarning yagona reestrida turmasligi to'g'risida ma'lumot (Obyazatel'noe) (bu xolat mavjud bo'lsa ishtirokc0hi o'yindan chetlatiladi).

Тип: Текстовое значение

Описание: Korxona hisob raqami kartatekada emasligi va hisob raqamidagi aylanma to'g'risida ma'lumotnoma (e'lon berilgan davr uchun). Insofsiz ijrochilarning yagona reestrida turmasligi to'g'risida ma'lumot (Obyazatel'noe) (bu xolat mavjud bo'lsa ishtirokc0hi o'yindan chetlatiladi).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO UMID BETON** | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |
| **SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK** | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |
| **ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К** | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |
| **OOO BUXORO MEGA STROY LYUKS** | 25 | Korxona hisob raqami kartatekada emasligi va hisob raqamidagi aylanma to'g'risida ma'lumotnoma (e'lon berilgan davr uchun). Insofsiz ijrochilarning yagona reestrida turmasligi to'g'risida ma'lumot | 25 | Экспертная | | |

Критерий №3 Korxona faoliyati to'g'risida ma'lumot (Asosiy vositalar to'g'risida ma'lumot (Obyazatel'noe). Ixtisosligi ushbu faoliyatga mos keladigan rasmiy xodimlar (8 tadan kam bo'lmagan mutaxassislar) tarkibida mavjudligi. Yuridik shaxs sifatida davlat ro'yxatidan o'tganligi bo'yicha guvoxnomaga ega bo'lishi lozim

Тип: Текстовое значение

Описание: Korxona faoliyati to'g'risida ma'lumot (Asosiy vositalar to'g'risida ma'lumot (Obyazatel'noe). Ixtisosligi ushbu faoliyatga mos keladigan rasmiy xodimlar (8 tadan kam bo'lmagan mutaxassislar) tarkibida mavjudligi. Yuridik shaxs sifatida davlat ro'yxatidan o'tganligi bo'yicha guvoxnomaga ega bo'lishi lozim

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO UMID** | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| BETON | | | | | | |
| SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |
| ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К | 25 | 25 | 15 | Экспертная | | |
| OOO BUXORO MEGA STROY LYUKS | 25 | Korxona faoliyati to'g'risida ma'lumot (Asosiy vositalar to'g'risida ma'lumot (Obyazatel'noe). Ixtisosligi ushbu faoliyatga mos keladigan rasmiy xodimlar (8 tadan kam bo'lmagan mutaxassislar) tarkibida mavjudligi. Yuridik shaxs sifatida davlat ro'yxatidan o'tganligi bo'yicha guvoxnomaga ega bo'lishi | 25 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ishtirokchining moliyaviy kursatkichlarining takdim etilishi (kamida 3 yillik). Soliq va yig'imlardan qarzdorligi yo'qligi to'g'risida ma'lumotnoma (e'lon berilgan davr uchun. Tanlash ishtirokchisi tomonidan korrupsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik bo'yicha ariza.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ishtirokchining moliyaviy kursatkichlarining takdim etilishi (kamida 3 yillik). Soliq va yig'imlardan qarzdorligi yo'qligi to'g'risida ma'lumotnoma (e'lon berilgan davr uchun. Tanlash ishtirokchisi tomonidan korrupsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik bo'yicha ariza.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO UMID BETON | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |
| SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |
| ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |
| OOO BUXORO MEGA STROY LYUKS | 25 | Ishtirokchining moliyaviy kursatkichlarining takdim etilishi (kamida 3 yillik). Soliq va yig'imlardan qarzdorligi yo'qligi to'g'risida ma'lumotnoma (e'lon berilgan davr uchun. Tanlash ishtirokchisi tomonidan korrupsiya ko'rinishlariga yo'l qo'ymaslik bo'yicha ariza | 25 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO BUXORO MEGA STROY LYUKS | 626 684 860.00 | 617 500 000.00 UZS | 617 500 000.00 | 00.00 | 617 500 000.00 | 26.09.2022 19:17:40 | 19.27126 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK | 626 684 860.00 | 595 000 000.00 UZS | 595 000 000.00 | 00.00 | 595 000 000.00 | 26.09.2022 10:58:43 | 20 |
| ООО UMID BETON | 626 684 860.00 | 620 418 000.00 UZS | 620 418 000.00 | 00.00 | 620 418 000.00 | 23.09.2022 22:41:18 | 19.18062 |
| ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К | 626 684 860.00 | 598 000 000.00 UZS | 598 000 000.00 | 00.00 | 598 000 000.00 | 26.09.2022 14:40:52 | 19.89967 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS | 80 | 19.27126 | 99.27126 |
| SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK | 72 | 20 | 92 |
| ООО UMID BETON | 68 | 19.18062 | 87.18062 |
| ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К | 64 | 19.89967 | 83.89967 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 152908 от 05.10.2022 года на приобретение Лола-Ариқ МФЙ худудида жойлашган марказий фудбол ойингохида мини стадион (42*22), Баскетбол, волейбол майдонини резина билан бн коплаш тенис корд қуриш, замонавий воркаунт қуриш определила победителем:

ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS
305509112

и резервный исполнитель: SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK (301722912)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | RASHIDOV BOXODIR ABDURASULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISMATULLAYEVA NIGORA YUSUPOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAYDAROV FARXOD ERKINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TO'YCHIYEV ABDUKARIM MIRXALILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BIKBULATOV SHOHZOD BEKMURAT UG'LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Пискент тумани Спорт мактаби
директори Б.Рашидов
"8" октябрь 2022 йил

**Пискент тумани Спорт мактабининг харид комиссияси ( БЎСМнинг 7-сон Буйруқ / 21.02.2022 йил) нинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини та'минлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли қарори ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 28 апрелдаги VI/XXVI-II -сон қарорига асосан "Туманда жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва овоз бериш якунига кўра "Ғолиб" таклифларни танлаб олиш ҳамда уларга маблағ йўналтириш тўғрисидаги сессия қарорига асосан Пискент тумани "Лолаариқ" МФЙда жойлашган "Ёшлик" марказий ўйингох худудида Мини футбол майдони, теннис корд, мавжуд волейбол, баскетбол майдонини резина қоплама билан қоплаш хамда замонавий воркоут майдончасини қуриш бўйича**

**БАЁННОМАСИ № 3**

*" 8 " октябрь 2022 йил* *Пискент тумани*

| | |
|---|---|
| Қатнашдилар: **Комиссия раиси:** | **Б.Рашидов - Спорт мактаб директори** |
| **Комиссия котибаси:** | **М. Имамбердиева – Спорт мактаб хисобчиси** |
| **Комиссия аъзолари:** | **Ш.Бикбулатов – Спорт мактаб директори ўринбосари**<br>**А.Тўйчиев – Спорт мактаб директори ўринбосари**<br>**Ф.Хайдаров – Спорт мактаб директори ўринбосари**<br>**Н.Исматуллаева – Спорт мактаб директори ўринбосари** |
| Қатнашмаганлар: | **Йўқ** |

**Кўрилган масала:** Давлат харидларининг Энг яхши таклиф электрон тизимига муҳокама қилиш учун жойлаштирилган харид комиссиясининг "Лолаариқ" МФЙда жойлашган "Ёшлик" марказий ўйингох худудида Мини футбол майдони, теннис корд, мавжуд волейбол, баскетбол майдонини резина қоплама билан қоплаш хамда замонавий воркоут майдончасини қуриш бўйича якуний баённомани натижаларини ўрганиш.

***Эшитилди:***

Харид комиссияси раиси, Спорт мактаби директори Б.Рашидов сўзга чиқиб, комиссия аъзоларини "Туманда жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва овоз бериш якунига кўра "Ғолиб" таклифларни танлаб олиш ҳамда уларга маблағ йўналтириш тўғрисидаги сессия қарорига асосан "Лолаариқ" МФЙда жойлашган "Ёшлик" марказий ўйингох худудида Мини футбол майдони, теннис корд, мавжуд волейбол, баскетбол майдонини резина қоплама билан қоплаш хамда замонавий воркоут майдончасини қуриш қарори юзасидан амлга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берди. **Давлат харидларининг махсус ахборот порталида энг яхши таклифларни саралаб олиш тўғрисидаги эълон 2022 йил 26 сентябрда 22110012142713-сонли LOT рақами билан** 617 500 000 (Олти юз ўн етти миллион беш юз минг минг) **сўмга энг мақбул таклифни тақдим этган "BUXORO MEGA STROY LYUKS" MCHJ** билан шартнома балли тизимга асосан электрон равишда тузилди.

**Танлаш иштирокчиларига қўйилган талаблар:** *Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак: шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги...* *(РЎЙХАТ ИЛОВА ҚИЛИНАДИ)*

Харид комиссияси аъзолари иш бажарувчилар томонидан ҳамда давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилган муҳокама натижаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, Пискент тумани "Лолаариқ" МФЙда жойлашган "Ёшлик" марказий ўйингох худудида Мини футбол майдони, теннис корд, мавжуд волейбол, баскетбол майдонини резина қоплама билан қоплаш хамда замонавий воркоут майдончасини қуруш ишларини бажаришни **"BUXORO MEGA STROY LYUKS" MCHJ** га топшириш кераклигини, сабаби унинг тизимдаги тижорат таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида" Қонунининг талабларига мувофиқ келишини таъкидладилар ва бир овоздан

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

**1.** Мазкур 2022 йил 26 сентябрь 22110012142713-сонли LOT рақами бўйича расмийлаштирилган баённома давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилган даврда саралаш иштирокчилари томонидан саралаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли **"BUXORO MEGA STROY LYUKS" MCHJ** ғолиб деб топилсин.

**2.** Пискент тумани Пискент тумани "Лолаариқ" МФЙда жойлашган "Ёшлик" марказий ўйингох худудида Мини футбол майдони, теннис корд, мавжуд волейбол, баскетбол майдонини резина қоплама билан қоплаш хамда замонавий воркоут майдончасини қуруш ишларини бажариш учун харид комиссия томонидан ғолиб деб топилган **"BUXORO MEGA STROY LYUKS" MCHJ** билан баённомада кўрсатилган нархлар доирасида шартнома тузилсин.

**3.** Ушбу баённома ижросини назорат қилиш Ф.Хайдаров (Спорт мактаб директори ўринбосари) зиммасига юклатилсин.

**Юқоридагиларни тасдиқлаб, имзо чекувчилар:**

**Б.Рашидов** ____________

**М.Имамбердиева** ____________

**Ш.Бикбулатов** ____________

**А.Тўйчиев** ____________

**Ф.Хайдаров** ____________

**Н.Исматуллаева** ____________

**Баённомани ёзиб борди** ____________ **Х.Назирқулова**